Шаҳримизнинг бир куни

* «ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИ ЮКСАЛМОҚДА
* СЪЕЗД ШАРАФИГА
* ЮБИЛЕЙ ТАРАДДУДИ
* ТУРКИСТОНЛИКЛАР МАДҲИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

5-йил чиқиши.
21 ОКТЯБРЬ 1970 й
ЧОРШАНБА
№ 249 (6118).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.



САМАРҚАНД КЎЗГУСИ

Бугун

республика Фанлар академиясн капитал қурилиш бўлимининг мутахассислари Самарқанд шаҳрига жўнаб кетдилар.

Улар Самарқандда қад кўтарган музей биносини фойдаланишга топширишда қатнашадилар.

Бу музей жаҳонда энг кекса шаҳарлардан бўлган Самарқанд шаҳрининг ташкил топган кунидан то VII асргача бўлган ҳаётини акс эттиради. Шу кунларда музейга Афросиёбда олиб борилган археологик қазилмалар натижасида топилган ранг-баранг экспонатлар қўйилмоқда.

Музей лойиҳасини Арманистон архитекторлари яратишган. Қурилиш ишларини республика қурилиш министрлигининг 5-қурилиш трести коллективи бажарди.

●

Экспонатлар ҳикояси

Бугун

Ўзбекистон архитекторлар союзи Самарқандниинг 2500 йиллик юбилейи тантаналарида намойиш этиш учун махсус кўргазма тайёрлаб жўнатди.

Кўргазма экспонатлари СССР маданият министрлигининг Москвадаги бадиий устахоналарида тайёрланган. Улар Самарқандниинг қадимий ёдгорликлари ҳақида яққол тасаввур беради.

Экспонатларда Регистон майдони, Шоҳи-Зинда, Бибихоним, Гўри Амир, Улуғбек расадхонаси каби ноёб обидалар акс эттирилган.



Тошкент абразив комбинати мамлакатимиздаги кўпгина станоксозлик ва машинасозлик корхоналарининг буюртмаларини шараф билан адо этмоқда. Ҳар куни заводнинг тайёр маҳсулот жўнатиш бўлимидан мамлакатимизнинг турли бурчакларига ўнлаб контейнерлар жўнатилади.

СУРАТДА: абразив қайроқлар ишлаш цехининг зарбдор токари, чорак асрдан буён шу корхонада баракали меҳнат қилаётган Шарифа Ҳожимуллаева.

М. Нуриддинов фотоси.

Коммунистик меҳнат зарбдорларига ва коллективларига шон-шарафлар! Ишлаб чиқариш илғорларига ва новаторларига шон-шарафлар!

[Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг 53 йиллиги муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг Чақириқларидан].

БЕШ ЙИЛЛИК МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

ЧАҚИРИҚҚА ЖАВОБАН

Бугун

3-тикувчилик фабрикасининг коллективи 1971 йил ҳисобига маҳсулот бера бошлади. Чеварлар кун-кеча беш йиллик планини бажаргани-клари ҳақида ғалаба рапорти бердилар.

Шу муносабат билан мухбиримиз корхонада бўлиб, фабрика раҳбарлари ва ишчилари билан суҳбатлашди.

О. ҚОДИРОВА,
фабрика директори.

— КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 53 йиллиги муносабати билан чиқарган Чақириқларида енгил саноат ходимларини йиллик ва беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун бошланган мусобақа байрогини баланд кўтаришга ундалади. Шуниси қувончлики, Марказий Комитетнинг Чақириқлар эълон қилинган куни фабрикамиз коллективи беш йилликка якун ясади.

Беш йиллик мобайнида ўттиз олти миллион икки юз минг сўмликдан зиёд кийим-кечак ишлаб чиқарилди ва сотилди. Техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича ҳам яхши натижаларга эришилди. Агар 1966 йили бир сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун 96,34 тийин сарфланган бўлса, бу йил 87,3 тийин сарфланди. Беш йилликда икки миллион саккиз юз ўттиз минг сўм фойда кўрилди. Бу кўрсаткичлар коллективимиз ўз олдига қўйилган халқ хўжалик топшириқларини бажаришда нақадар фидокорлик кўрсатганининг далилидир.

Корхонамиз учун беш йиллик жуда ажойиб бўлди. Чунки, фабрикамиз ўқувчилар формаси тикиладиган корхона қилиб ихтисослаштирилди. Хотин-қизлар учун миллий кўйлаклар, боғча ва ясли ёшидаги болалар учун тикиладиган кийимларнинг хили анча кўпайди.

Йил охиригача планга қўшимча яна бир миллион етти юз қирқ беш минг сўмлик маҳсулот берамиз.

Р. НАСРИДДИНОВА,
тикувчи:

Бу орда жуда кўп йилдан буён меҳнат қилиб келмоқдаман.

Фабрикамизда иқтисодий тежамкорлик юришн кенг қулоч ёйган. Беш йилликда саксон уч минг квадрат метр газлама тежалиб, булардан қирқ етти мингта кийим тикилди. Йил охиригача яна икки ярим минг квадрат метр материал тежаш учун курашяпмиз. Коллективимиз съезд очилган куни фақат тежалган материал ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришга қарор қилди.

Мен ҳозир 1973 йил ҳисобига ишлаяпман. Бир мен эмас, балки Х. Толипова, А. Крамаренко, Л. Калинина, Г. Пугачевалар ҳам 1973 йил, В. Крамаренко, Д. Абдурафиқова, Н. Муҳамедова, А. Канокиналар эса 1974 йил ҳисобига меҳнат қилишмоқда. Фабрикада икки юздан ортиқ ишчи беш йиллик шахсий топшириғини бажарган.

КЎПЛАБ МЕБЕЛЛАР

Бугун

«Шарқ мебель фирмаси коллективининг юбилей йили планига қўшимча реализация қилган буюмлари 150 минг сўмга етди. Мебелчилар ўн ойлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш планини 12 октябрда бажарган эдилар. Ўн ойда буюртмачиларга олти миллион сўмликдан зиёд мебель тайёрлаб беридилар.

Корхона ишчилари КПСС XXIV съезди, шарафига меҳнат вахтасида туриб, 1970 йил планини 5 декабрда бажариш ва планга қўшимча ярим миллион сўмликка яқин маҳсулот етказиб бериш мажбуриятини олдилар. Ой охиригача 425 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади ва сотилади.

Шу кунларда корхона цехларидаги ускуналар медицина ташкилотлари учун ҳар хил мебеллар ишлаб чиқаришга мослаштирилмоқда.

Буюртмачиларга топширилди

* Янги лойиҳалар

«Узколхозпроект» лойиҳа институти коллективи Ўзбекистоннинг барча колхоз ва совхозларида қурилиш ишларини янада тезлаштирадиган бир қатор тадбирларни ишлаб чиқмоқда. Шу жумладан, колхоз ва совхозларда бунёд этиладиган гишт заводлари ва турли хил корхоналарнинг лойиҳалари диққатга сазовордир.

Бугун

институт инженерлари Хонқа ва Боғот қишлоқларида бунёд этиладиган янги гишт заводларининг лойиҳаларини буюртмачиларга топширдилар.

Бу заводларнинг ҳар бири йилига 12 минг дона гишт ишлаб чиқара олади. Корхоналар улкан ишлаб чиқариш корпуслари ва маъмурий биноларидан иборат бўлади.

Шунингдек, Навоий, Норпой, Ромитан, Вобкент районларида қурилаадиган улкан ишлаб чиқариш базаларининг лойиҳалари ҳам тайёрлаб берилди. Бу базаларда қишлоқ қурилиши учун керакли материаллар тайёрланади.

Архитекторлар анжумани

Бугун

МОСКВАДА АРХИТЕКТОРЛАР ИНГ НАВБАТДАГИ БУТУНИТТИФОҚ СЪЕЗДИ ЎЗ ИШИНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА.

Ана шу анжуманда Ўзбекистон архитекторлари делегацияси ҳам қатнашяпти. Делегация составида республика архитекторлар союзи правленнесининг раиси, «Ташгенплан» лойиҳа институтининг директори Ф. Турсунов, республика Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Г. Пугаченкова, архитекторлардан Л. Адамов, П. Зоҳидов, С. Одилов, В. Березин, Ю. Мирошниченко, М. Ҳамидова ва бошқалар бор.

Ўзбек архитекторлари съездда ҳозирги замон архитектурасининг муҳим масалалари ҳақида фикрлашадилар.

Қишлоқ—шаҳарга

КУЗ НЕЪМАТЛАРИ—ШАҲАРЛИКЛАРГА

Олтин куз. Болга тўлган узумлар, шириншакар олмалар териб олинмоқда. Қўли гул соҳибкорлар ишкомлардаги бор ҳосилни узиб, шаҳарликлар дастурхонига жўнатяптилар. Оржоникидзе райони соҳибкорлари ҳам бу ўринда ибратли ишлар қилмоқдалар.

«Дўрмон» совхози аъзоматлари юбилей йилида давлатга 2450 тонна узум етказиб бериш юзасидан олган мажбуриятларини бажариш учун қизғин меҳнат қилмоқдалар.

Бугун

миришкорлар эл дастурхонига 2,5 тонна узум жўнатишди.

КПСС XXIV съезди шарафига меҳнат вахтасида ишлаб, меҳнатда янги-янги марраларга эришаётган совхознинг А. Одилбеков, С. Тошев, Х. Хожибеков бошлиқ бригадаларида ҳосил кутилгандан зиёда бўлди. Бу бригада аъзолари ҳар гектар майдондан олинадиган ҳосилни йигирма тоннага етказиш учун қурашмоқдалар.

Тонгги газеталарда

* ЯНГИ ФИЛЬМ

ТУРКИСТОН ҲАҚИДА ДОСТОН

◆ Тонгги газеталарда СССР саноатининг 1970 йилнинг тўққиз ойи мобайнида давлат планини бажариш якунлари тўғрисида СССР Марказий статистика бошқармасининг хабари берилган.

◆ 20 октябрда СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Ҳиндистон Бош министри Индира Ганди билан учрашди. И. Ганди Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг сессиясида қатнашмоқ учун Нью-Йоркка бориб туриб, қисқача визит билан Москвада тўхтаган эди.

«Ўзбекфильм» киностудиясининг маҳсулоти «Осиё устида бўрон» бадиий фильми миллионлаб томошабинларининг олқишига сазовор бўлди. Бу асарни яратган СССР халқ артисти, Давлат мукофоти лауреати Комил Ёрматов ўз маҳорати билан ўзбек кино санъати хазинасига муносиб ҳисса қўшди.

Режиссёр кино асарида Туркистонда Совет ҳокимияти ўрнатилишини ёркин акс эттиради. Атоқли санъаткор бу мавзуни давом эттириб, «Инқилоб суворийлари» асарини ҳам яратди.

Ниҳоят, яқинда шу мавзунинг охирги қисмига бағишланган «Қора консулнинг ҳалокати» деган картина ўсмирлар ва ёшлар ҳаётидаги ишлар тугатилди.

Фильмда халқнинг тақдири учун бутун куч ва қудратини бахш этган ажойиб коммунист—Азнаур полвон ролини СССР халқ артисти Шукур Бурхонов яратди. Севимли артист учала фильмда ҳам ўз қаҳрамонининг ажойиб ватанпарварлик фазилатларини очиб бера олган.

Янги кино асари ярим аср муқаддам Бухорода контрреволюцининг сўнгги таянчини тор-мор қилиш билан тугатишга бағишланган.

Картинада СССР халқ артисти Аббос Бакиров, Ўзбекистон ССР халқ артисти Ҳамза Умаров ва бошқа артистлар қатнашганлар.

ОКТЯБРЬЛИКЛАР ҒАЙРАТИ

Октябрь район партия комитетининг ташаббуси билан маданият ходимларидан иборат иккита агитбригада Сирдарё областининг Еттисой районига жўнаб кетди. Бригадалар турли мавзуларда суҳбатлар олиб борувчи олимлар, шунингдек раққосалар, хонандалар, кутубхоначилар ва маданият ходимларидан ташкил топган. Улар ҳозирги долзарб кунларда мириштор пахтакорларнинг ҳузурида бўлиб, маданий хизмат кўрсатишяпти.

Район меҳнаткашлари аъзомат Сирдарёнинг Еттисой ва Мирзачўл районлари пахтакорларини фақат маданий тадбирлар билангина эмас, балки ўзларининг ватанпарварлик бурчлари — пахта теришлари билан ҳам ҳушнуд этмоқдалар. Жуда кўп корхона, муассаса ва олий ўқув юртлари коллективлари пахта йиғим-теримида бажонидил қатнашмоқдалар.

Ленин номли Тошкент Давлат университетининг студентлари теримда намуна кўрсатмоқдалар. Бу ишга олти мингдан ортиқ йигит ва қиз жалб этилган. Уларнинг ғайрати билан кунига 300 тоннага яқин «оқ олтин» дурдонаси хирмонга тўкилмоқда. Политехника институти студентларининг ҳам ҳиммати баланд. Ҳар куни 7 мингга яқин студентнинг мададн билан 300 тоннадан ошириб пахта терилмоқда. Бундан ташқари, рус тили ва адабиёти, педагогика институти, қишлоқ хўжалиги, маданий-оқартув техникумлари ўқувчиларининг ғайрати ҳам чакки эмас.

Турли корхоналар ва муассасаларнинг коллективлари пахта теримида қизғин қатнашмоқдалар. Бу шарафли ишда «Миконд» заводи, бадиий буюмлар фабрикаси, «Узбекгидроэнергострой» трести, «Узгипроводхоз» лойиҳа институти, трактор-йигув заводи каби корхоналарнинг муносиб ҳиссаси бор.

Район партия комитетидан мухбиримизга билдиришларича, меҳнаткашлар бу йилги пахта теримида 15 минг тонна пахта териб беришга аҳд қилганлар. Ҳозирги кундаги тахминий ҳисобга қараганда, катта ҳашарнинг натижалари қувонарли бўляпти. Меҳнатсевар теримчиларнинг бунёд этган хирмони олинган мажбуриятнинг қарийб ярмини ташкил этади.

Ватанга 4.400.000 тонна пахта берамиз

ЧЕВАРЛАР «ОҚ ОЛТИН» ДАЛАЛАРИДА

«Оқ олтин» далаларида ғайрат қилаётган В. И. Ленин номидаги якка тартибда кийим тикиш фабрикаси теримчиларининг ҳар бири 60-80 килограммдан пахта теришяпти. Улар Сирдарё областининг Сирдарё районидаги Свердлов номли колхоз хирмонига 150 тонкага яқин «оқ олтин» тўкишди.

Куни-кеча фабрика маъмурияти пахтакорлар учун махсус машинада тайёр кийим-кечаклар юборди.

Бундан ташқари, фабрика чеварлари шанба ва якшанба кунлари пойтахт области колхоз ва совхоз далаларига чиқиб, пахта теришда кўмаклашмоқдалар. Ўтган шанба ва якшанба кунлари 100 яқин чевар областнинг Бўка районидаги «Пскент» совхози хирмони юксалишига ёрдам беришди.

Уч минг тонналик хирмон

Бугун

Тошкент медицина институти студентлари бунёд этган хирмон уч миниг тоннадан ошди. Улар бир неча ҳафтадан бери Сирдарё областининг Ильич районидаги 6 ва 7-совхозларида деҳқонларга мадад бермоқдалар. Студентлар кунига юз тоннадан ошириб «оқ олтин» теришяпти. Бўлажак медиклар орасида кўп минг килограммчилар ҳаракати авж олиб кетган. Беш юздан ортиқ теримчи ҳисобига икки тоннадан пахта ёзилди.

Студентлар хўжаликларнинг қарийб саккиз минг гектар майдонидаги пахтасини йигиштириб беришга ваъда берганлар.

Тошкентликлар ҳиссаси

ҚАЙТА ЖИҲОЗЛАНМОҚДА

Пойтахтдаги асбобсозлик заводининг

Бугун

ўлчов ва цилиндрли фрезерлар тайёрловчи участкаси қайтадан жиҳозлана бошланди.

Участка потоклари бир линияга бирлаштирилиб, буюмлар тайёрлаш бирмунча автоматлаштирилади. Корхона директори В. Р. Бойжоновнинг редакцияга хабар беришича, участкани қайта жиҳозлаш ишлари биринчи декаброача тугалланади.

СПОРТ ВА МЕДИЦИНА

Бугун

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қошидаги физкультура ва спорт комитетининг илмий-методик Совети ҳамда республика спорт медицинаси федерацияси биргаликда «Спортчилар юрагининг фаолияти ва гипертрофияси» деган темада ўтказган симпозуми ўз ишини тамомлади.

Уч кун давом этган бу симпозиумда профессорлардан В. Л. Карпман, А. Г. Демболар, доцентлардан С. В. Хрушчев, В. П. Правосудов ва бошқалар спорт ва медицина темасида қизиқарли лекцияларўқишди.

Дунё хабарлари


СОВЕТ КОСМОНАВТЛАРИ АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИДА

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Совет космонавтлари Андриян Николаев билан Виталий Севостьянов 18 октябрда Нью-Йоркка келдилар. Уларни Кеннеди аэродромида Америка космонавтларидан Нейл Армстронг ва Эдвин Олдринлар кутиб олишди. Меҳмонлар Қўшма Штатлар бўйлаб ўн кун сафар қилишади. Ассошиэйтед пресс агентлигининг хабар беришича, дастлабки программага кўра, космонавтлар Кеннеди бурнида. Хьюстондаги ооцқарилдиган космик парвозлар марказида, Лос-Анжелес, Сан-Франциско шаҳарларида ва бошқа шаҳарларда бўладилар.

Совет космонавтлари самолётда Вашингтонга учиб кетдилар.

Уттар Прадеш штатининг янги ҳукумати

ДЕҲЛИ. (ТАСС). Ҳиндистоннинг энг катта штати Уттар Прадешда парламентдаги ўнг партиялар блокининг раҳбари Т. Н. Сингх бошлиқ янги ҳукумат тузилди. Штатда янги ҳукумат тузилганлиги муносабати билан Ҳиндистон Президенти В. В. Гири 2 октябрда Уттар Прадешда жорий этилган президент бошқарувини бекор қилиш тўғрисидаги фармонни имзолади.



Стокгольмда бир группа акробатлар — автомобиль ҳайдовчиларининг гастроллари бўлиб ўтди. «Дўзоҳдайдовчилари» (уларни кўпинча шундай деб аташади) ўз чиқишларини жалб этиш учун Швеция пойтахтининг кўчаларидан шундай томоша кўрсатиб ўтишди.

Прессенс бильд — ТАСС фотоси.

● *Партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари*

КОММУНИСТЛАР ТАЪСИРИНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

Гўшт комбинати партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов мажлиси бўлди. Бу сафар 25 сентябрдагига қараганда йиғирма коммунист қатнашмади. Шунда ҳам йиғилишга партия ташкилотининг ҳисобида турувчи ўттиз бир коммунист қатнашмади. Докладчи Н. Аҳмедов ва музокарада сўзга чиққан ўртоқлар ишлаб чиқариш ҳақида гапирдилар. Ўн ойлик план ортиғи билан бажарилди, ишлаб чиқариш унумдорлиги ҳам ошди. Лекин ўтган беш йилга яқин вақт мобайнида комбинат 7 миллион 821 минг сўмлик маҳсулотни кам топширди.

«Узагроторгсирё» сифатсиз маҳсулот топширади. Унинг ишчилари эса сифатли ем-хашак, мол тўғрисида ўйламайдилар. Моллар оғир чиқиши учун уларни топширишдан олдин роса овқатлантирадилар. Ўз-ўзидан маълумки, бу асосда иш тутганда комбинат катта зарар кўради.

Сўзга чиққан ўртоқлар ем-хашак билан комбинат шуғуллансин дейдилар. Бу масалани, албатта, гўшт, сут маҳсулотлари министрлиги ҳал қилиши керак.

Комбинатда икки юз ишчи етишмайди. Бу эса ишлаб чиқаришга таъсир қилмасдан қолмайди. Шунингдек, сўзга чиққанлар баъзи цехларда колбаса ва сосиска тайёрлаш ҳақида социалистик мулкни сақлаш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш тўғрисида гапирдилар.

Бу масалаларнинг барчаси гоят керакли ва зарур. Бироқ комбинат партбюроси ишлаб чиқаришнинг ана шу масалаларини ҳал қилишда қандай партиявий йўл тутди ва бунинг учун нималар қилди? Бу кўсуда докладчи ҳам, сўзга чиққан ўртоқлар ҳам ҳеч нарса демадилар. Гўшт ва колбаса сифатини яхшилаш билан шуғулланаётган халқ назоратчиларининг иши ҳамда уларнинг вазифалари ҳақида етарли гапирмадилар.

Докладчи ўз сўзида қирқ беш агитатор ва йиғирма беш нафар сиёсий шарҳловчи бор деб кўрсатди. Аммо уларнинг амалга оширачётган ишлари ҳақида ҳеч гап айтилмади. Шу билан бирга тарбиявий ишларнинг унчалик яхши эмаслиги ҳам нотиқ эътиборидан четда қолди.

Партия йиғилишларида сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш устидан қатъий назорат қилиш ва унинг аҳамияти, коммунистларнинг авангардлиги ҳақида жуда кам гапирдилар. Ҳолбуки, коммунистларнинг саксон процентга цехларда меҳнат қилади. Цех партия ташкилотлари мажлислари ўз вақтида ўтказилиб турилмайди. Кўпчилик коммунистлар ўз партиявий топшириқларига эта эмаслар.

Комбинат партия ташкилотида танқид ва ўз-ўзини танқид яхши йўлга қўйилмаган. Деворий газеталар тасодифий ҳолларда чиқазилади, холос. Редколлегия аъзолари ҳатто деворий газеталарнинг ҳажмини ҳам қатнашолмадилар.

Янгидан қурилаётган гўшт комбинати ишчиси М. Романова сўзга чиқиб, партия ташкилоти, «иккинчи территория» коллективи тўғрисида ғамхўрлик қилмаяпти деб тўғри кўрсатиб ўтди. Бу ерда ҳеч қандай қулайлик йўқ. Сув, ошхона ҳақида эса гап бўлиши мумкин эмас.

Ҳатто, бу ерда газеталар, журналларга обуна қабул қилиш ҳам яхши йўлга қўйилмаган.

Коллективнинг барча илтимос ва талаблари инобатга олинмасдан келинаётир. Янги гўшт комбинати бу йил ишга тушади. Ишчиларнинг нормал ишлашлари учун гўшт комбинатида қулай шароит яратиб бериш тўғрисида қайғуриш керак.

Партия йиғилиши янгидан сайланган составга йўл-кўйилган камчиликларни йўқотиш, ишлаб чиқаришда партиявий таъсирни кучайтириш ҳақида наказ бердилар.

Р. ПЛУНГЯН.



Коммунистик меҳнат зарбдори Рашид Аъзамов кўп йиллардан буён асбобсозлик заводининг 12-цехида баракали меҳнат қилади. Йигирма йил мобайнида ёнларга детал ишлашни қунт билан ўргатиб келаётган меҳрибон мураббий ишчи шу кунларда бўлғуси йил топшириқларини адо этишга киришди.

СУРАТДА: Рашид Аъзамов.

М. Нуриддинов фотоси.



Октябрь революцияси номидаги Тошкент тепловоз-вагон ремонт заводи етмиш ёшга тўлди. Завод коллективи КПСС XXIV съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб, товар маҳсулотлари реализация қилиш беш йиллик планини 1970 йил 28 декабргача, товар маҳсулотларни реализация қилиш йиллик планини эса Конституция кунигача бажаришга аҳд қилди.

СУРАТДА: заводнинг компрессор станциясида.

И. Душкин фотоси. (ЎзТАГ)

ЯНГИ МАИШИЙ ХИЗМАТ ШАҲАРЧАСИ

Кийимларни ремонт қилиш ва буюртмага мувофиқ янгиларини тикиш, мебелларни ремонт қилиш ва янги мебелларга буюртмалар қабул қилиш, пойафзал ремонти, сартарошлик, радио ва телевизорларни, ҳолодильник ва бошқа уй асбобларини ремонт қилиш рангли фотосалон ва бошқа хўжалик асбобларини ремонт қилиш учун мўлжалланган ёттита павильон — икки юз квадрат метр майдонни эгаллаган «Ветерок» типидаги маиший хизмат шаҳарчаси тайёр.

Октябрь район, Калинин майдони ҳиёбонида қад ростлаган бу ажойиб шаҳарчани район маиший хизмат бошқармасининг В. Сарияпс бошчилик қилаётган бинокорлар бригадасига уюшган усталар тиклаб, пардозлаб беришди.

Улуғ Октябрь инқилобининг 53 йиллиги арафасида район меҳнаткашларига совға этилган шаҳарча қурилишида усталардан С. Ҳидоятов, В. Самгарас. К. Георганес, Г. Радионов, С. Муҳсимовлар аёнқса астойдил меҳнат қилиб, объектни муддатидан анча олдин фойдаланишга топширдилар

Т. НАЖМИЙ.

● *Қишга қандай тайёрланаяпсиз?*

Жамоатчилик назоратида

Бу йил куз об-ҳавоси ҳар кимни ҳам хурсанд этмоқда. Хали ёмғир бошланганча йўқ. Лекин, шундай бўлса ҳам тракторсозлар бундай об-ҳавога ишониб ўтиришмасдан қиш тараддудини кўришмоқда. Чунки, қиш яқинлашиб келмоқда. Қиш мавсумига ишлаб чиқаришни яхшилаб тайёрлаш керак.

Завода август ойидаёқ цехларни қиш мавсумига тайёрлаш ишлари авж олдириб юборилган эди. Партия, касаба союз комитети завод маъмурияти билан биргаликда қишга тайёргарлик тадбирлари планини ишлаб чиқди ва тасдиқлади. Бу тадбирларнинг амалга оширилиши маъмурият ва жамоатчилик томонидан қаттиқ назорат қилиб турилибди.

Қисқа муддатда корхона буг қозонларидан иккитаси, ишчилар шаҳарчасидаги уйларни иситиб берадиган саккизта «Универсал—6» буг қозони тайёр ҳолга келтирилди. Узунлиги 800 метр келадиган буг трубалари ўтказилди. Электр кабеллар линияси текшириб кўрилди ва ремонт қилинди. Болалар боғчаси жорий ремонтдан чиқарилди. Ётоқхона ҳамда маданий-маиший ташкилотларнинг иситиш системасидаги камчиликлар тузатилди.

— Қиш мавсумида ишлаб чиқаришимиз бир меъёрда ишлаши учун ҳеч нарсани унутмасдан, ҳамма нарсани тахт қилиб қўйишимиз керак, — деди И. Лукьянов.

Яшириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, олдинги йилларгаги қишларда ремонтчиларнинг ўз ишларига бепарво қараганликлари сабабли ёғингарчилик пайтида томлардан сувлар сизиб ўтган пайтлар ҳам бўлди. Пайвандлаш ва йиғув цехларидаги ишчиларнинг баъзилари шамоллаб ҳам қолишди. Бу — тракторсозларга сабоқ бўлди.

Тракторсозларнинг ишлари ҳозир ҳам осонлашганича йўқ. Кўпгина ишларни очиқ ҳавода бажаришга тўғри келмоқда. Завод коллективининг олдида: ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун бу ерга келаётган ускуна ва бошқа буюмларни қандай қилиб ёмғирдан сақлаб қолиш мумкин? —деган масалани ҳал қилиш вазифаси турибди. Шунинг учун ҳам бу масалани амалга ошириш устидан алоҳида назорат қилиб турилибди.

Партия ва касаба союз комитети тезкорлик билан бажарилиши лозим бўлган вазифаларни ҳал этиш мақсадида тез-тез йиғилиб туради. Яқинда завод бош инженерининг ёрдамчиси А. Сидоровнинг қиш мавсумига тайёргарлик тўғрисидаги ҳисоботи тингланди. Шу йиғилишда халқ контроли томонидан тўпланган материаллар муҳокама қилинди. Бу ерда гап қилинган ишлар ҳақида эмас, балки қилиниши лозим бўлган ишлар ҳақида борди. Жумладан, цех бошлиқлари А. Генве, Ю. Папаркин, Н. Попов, капитал қурилиш бўлимининг бошлиғи Н. Салмоновлар қаттиқ танқид қилинди. Чунки, деразаларни ойналаш, томдан оқиб тушган сувларни олиб кетувчи канализация йўлини ремонт қилиш, устахона томини ёпиш, тайёр маҳсулотлар майдонига бетон ётқизиш каби ишларнинг чўзилиб кетишига асосан ана шу шахслар сабабчидир.

Халқ назоратчилари текшириш пайтида ҳатто майда-чуйда камчиликларни ҳам эътибордан четда қолдирмадилар. Эндиликда тайёргарлик ишлари қурувчилар ва ремонт хизматидаги кишилардангина сўралмайди. Чунки, ўтган йилги қиш сабоқларн ҳар бир цехнинг ўз кучи билан талай ишларни бажара олиши мумкинлигини кўрсатди.

Прицеплар йиғиш ҳамда тракторнинг олд кўприкларини тайёрлаш цехининг бу борада қилган иши ибратга лойиқдир. Цех ишчилари вақт топиб иссиқлик трассаларини ёпиш ва деразаларни, осма иситиш йўлларини, кўприк кранлар кабинасини тузатдилар. Эндиликда бошқа цехларнинг ишчилари ҳам улардан ўрнак олишмоқда.

«Тошкент оқшоми» — «Тракторостроитель» газетаси муҳбирлар коллективи.

● БЕШ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ

Байроқдорлар

— Геннадий, кўряпсанми, йўнаётган тахталарнинг текислоқ чиқмаяпти. Аслю шошилма. Астойдил, қунт билан ишласанг сендан жуда яхши дурадгор чиқиши мумкин.

— Баҳром, ишинг анча дуруст. Сен энди мустақил гишт теравераверсанг ҳам бўлади.

Қурувчиларга бош-қош бўлиб, турли маслаҳатлар бериб турган бу кишн бригада етакчиси Петр Сачков.

— Петроннинг ҳар кунги одати шунақа, — деб гап бошлади ҳамрохимиз участка прораби Валерий Клепко. — У касбдошлари ишини кузатибгина қолмай, ўзи ҳам кунлик топшириқларни 1,5 — 2 ҳиссадан ошириб адо этади. Касбига меҳр қўйган бригадир ҳар кун қурувчилардан 20—30 минут олдин келиб, бугунги қилинадиган ишларни ҳисобга олади ва қайси иш кимлар томонидан бажарилиши позимлигини белгилаб қўяди. Бу жуда яхши натижа беряпти. Иш унуми самарали бўлиш билан бирга, сифатни ҳам бўляпти. Бригада коллективига яқинда «Коммунистик меҳнат бригадаси» номининг берилиши қурувчилар гайратига гайрат қўшиб юборди.

Биз ҳикоя қилаётган қурилиш объекти шахримизнинг Киров ва Ленин номли кўчаларн оралиғида қад кўтараётган «Оснё» ресторанидир. Ресторан биносини «11-Висотстрой» трестига қарашли 1-қурилиш бошқармасининг қўли гул бунёдкорлари қурншяпти. Участка бўйича III кварталда пландаги 45000 сўмлик ўрнига 50300 сўмликдан зиёдроқ қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Қурилишда фидокорона меҳнат қилаётган тўрт бригада орасида 25 миллат вакилларидан ташкил топган Петр Сачков бошлиқ комплекслашган бригада меҳнатсеварлари жуда яхши натижага эришдилар. Улар бошқарма кўчма Қизил байроғини яна ўз қўлларида сақлаб қолишга муваффақ бўлдилар.

Ўтган сентябрь ойида КПСС XXIV съезди шарафига меҳнат қилаётган бригада марду-майдонларн 4500 сўмлик ўрнига 6000 сўмлик қурилиш-монтаж ишларнин бажаришдн. Шу сабабдан ўз касбнин шарафлаётган бригада коллективи фақат бошқармадагина эмас, трестда ҳам ҳурмат билан тилга олинади.

Бригада коллективининг қўлга киритаётган муваффақиятларида кунлик ва ойлик топшриқларнин 155—170 процентдан ўрнилатаётган Геннадий Елисеев, Василий Дружков, Вазиқ Сафин каби монтажчи, дурадгор, гишт теручи ва пайвандчиларнинг салмоқлн ҳиссаларн бор.

Э. НОМОЗОВ.

● ПАРТИЯ ҒОЯЛАРИ — ОММАГА

КАФЕДРА ВА ҲАЁТ

КПСС Марказий Комитетининг «Ижтимоий фанларни янада ривожлантириш ва коммунизм қурилишида уларнинг ролини ошириш тадбирлари» ҳақидаги қарори, Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги муносабати билан эълон қилинган Тезислари ва бошқа ҳужжатларда олий ўқув юртларн ижтимоий фан кафедралари олдига жуда катта вазифалар қўйди.

Ижтимоий фан кафедралари студент ёшларда илмий материалистик дунёқарашни шакллантириш, ёшларнинг коммунизм, ленинизм идеаларига содиқлигини янада ошириш, уларда ҳозирги замон ижтимоий тараққиётининг муҳим йўналишлари бўйича чуқур билим ҳосил қилиш сингари бир қатор мураккаб ва айни вақтда жуда муҳим вазифаларни бажариши керак.

Ижтимоий фан кафедралари коммунистик жамият қурилишнинг асосий вазифаларидан бўлган ҳар томонлама камол топган кишиларни тарбиялашда коммунистик партиянинг асосий таянчларидан биридир.

Ўрта махсус ва олий ўқув юртларида етиштирилиб чиқарилаётган кадрлар фақат яхши мутахассис бўлибгина қолмай, улар ижтимоий ҳаёт қонуниятларини чуқур тушунадиган, коммунистик жамият қурилишида актив иштирок этадиган, янгиликлар сари тимай интиладиган, фан-техниканинг энг сўнгги ютуқларидан хабардор кишилар бўлишлари керак. Ёшларда ана шундай хислатларни шакллантиришда ижтимоий фан кафедралари катта роль ўйнайди. Шу вазифалар нуқтаи назаридан қараганда В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети гуманитар факультетлар фалсафа кафедрасининг олиб бораётган иши диққатга сазовордир.

Фалсафа фанлари кандидати, доцент А. Т. Аюпов раҳбарлигида бу кафедра университетда марксистик философияни ўқитишда, студентлар ўртасида коммунистик назарияни чуқур эгаллашга бўлган қизиқишни янада кучайтиришда, философия ўқитишнинг бир талай илғор метод ва формаларини ижодий қидлаб чиқишда, студентлар ўртасида илмий докладлар тайёрлаш ва конференциялар ўтказишда бир катор ютуқларни қўлга киритди.

Энг аввало шуни айтиш керакки, кафедра ўз ишини коммунизм қурилишининг конкрет вазифаларидан коммунистик партиянинг ижтимоий фанлар олдига қўйган масалаларидан келиб чиқадиган топшириқлар асосида ташкил этади. Мана бир неча йилдирки, кафедра ўқитувчиларининг назарий билимларини янада чуқурлаштириш мақсадида доимий суратда ленинча ўқишлар давом этмоқда. Бунда кафедранинг тажрибали ўқитувчиларидан А. Аюпов «Марксистик философия тараққиётида ленинча босқич», Г. Шоюсупова «Ленинча ишбилос назарияси ва ҳозирги замон», К. Н. Коваленко «В. И. Ленин ревизионизмнинг синфий ва гоявий илдизлари ҳақида» Ҳ. Жалилов «Ленинизм замонамизнинг марксизмидир» деган темалар бўйича назарий докладлар қилдилар.

Кафедрада философия курсини ўтишда зарур бўлган методик қўлланмалар ишлаб чиқиш, лекция текстларини муҳокама қилиш, конкрет темалар бўйича дарс ўтишнинг ижобий методлари билан ўртоқлашиш яхши йўлга қўйилган.

Кафедранинг катта ўқитувчиси А. Вайсман «Диалектик ва тарихий материализм» курсини ўтишда коммунистик ва ишчи партиялар халқаро кенгашининг ҳужжатларидан фойдаланиш йўлларн», доцент Б. Мирабдуллаев «Тарихий материализм» курсида КПСС Марказий Комитетининг В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига чиқарган Тезисларини ўрганиши бўйича методик қўлланмалар ишлаб чиқдилар. Бундан ташқари ёш ўқитувчилар учун философия курсининг конкрет темалар бўйича ҳам бирнеча методик қўлланмалар тайёрланди. Бу ишлар жуда катта ижобий натижалар бермоқда.

Бундан ташқари, кафедрада ўтказилаётган очиқ дарслар, бир-бирининг дарсини кузатиш сингари тадбирлар ёш ўқитувчилар учун қўл келмоқда.

Студентларни илмий изланишларга қизиқтириш, китоблар устида мустақил ишлашга ўргатиш кафедранинг диққат марказида. Бу соҳада доцент Г. Шоюсупова раҳбарлик қилаётган филология факультетидаги, А. Вайсман раҳбарлик қилаётган роман-герман факультетидаги философия тўгаракларининг ишлари диққатга сазовордир. Тўгарак аъзоларидан 4-курс студенти М. Назарова тайёрлаган «В. И. Ленин авлодларнинг бирлиги ва ворислиги ҳақида», 5-курс студенти М. Каримова тайёрлаган «В. И. Ленин халқ оғзаки ижодининг дунёқараш эканлиги ҳақида», 3-курс студенти Г. Яцюк тайёрлаган «Бадиий адабиётнинг тарбиявий роли», 5-курс студенти С. Сайфуллаева тайёрлаган «В. И. Ленин тил ва тафаккур бирлиги ҳақида» мавзуларидаги илмий докладлар университет студентларининг илмий конференциясида юқори баҳоланди ва улар социалистик мамлакатлар ҳамда В. И. Ленин бўлган жойларга саёҳат қилиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Студентларнинг марксистик философияни ўрганишга бўлган қизиқишларини янада ошириш ва уларнинг қандай билим олаётганликларини текшириб кўриш мақсадида икки-уч йилдан бери системали равишда конкрет философик темалар бўйича ўтказилаётган ёзма контроль ишлар ижобий натижалар бермоқда.

Фалсафа кафедраси таянч кафедра сифатида республикамиздаги бошқа бир қатор фалсафа кафедраларига ёрдам бериб туради. Кафедра аъзоларидан А. Аюпов, Ғ. Шоюсупова, А. Вайсман ўртоқлар Сирдарё область педагогика институти фалсафа кафедраси ва студентлари учун марксистик философиянинг муҳим проблемалари бўйича лекциялар ўқидилар. Бундан ташқари, жуда кўп фалсафа кафедраларига семинар машғулотларининг планлари, имтиҳон билетларининг нусҳалари жўнатиб турилди.

Кафедра ўқитувчилари, аспирантлари университетда ҳамда республикамизда ўтказилиб турилдиган барча ижтимоий ишларда актив иштирок этмоқдалар. Меҳнаткашлар ўртасида лекциялар ўқишда ўқитувчилардан Ҳ. Жалилов, Б. Мирабдуллаев, М. Қосимова, Ш. Азизов ва бошқалар намуна бўлмоқдалар.

Шунингдек, ўқитувчилар ётоқларда, кутубхоналарда ўтказиладиган мунозараларда китобхонлар конференциялари ва учрашувларда актив иштирок этмоқдалар. Кафедрада олиб борилаётган ва амалга оширилаётган ана шундай тадбирларнинг ҳаммаси кафедра ўз олдига қўйган вазифаларни дадиллик билан бажараётганлигидан далолат беради.

С. ХОЛМИРЗАЕВ,
В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети аспиранти.

● Бизга ёзадилар

МЕҲР БИЛАН

Ҳалол меҳнати билан эъзозланиб келаётган толмас ишчи Улуғбек Фозилбеков ҳақида илиқ гапларни кўп эшитганмиз. Бу камтар йигитни қачон қараманг иш устида кўрасиз. У ўн беш йилдан бери бир жойда — республика газета ва журналлар тарқатиш бўлимининг участка бошлиғи вазифасида ишлаб келмоқда. Ўз ишига меҳр қўйиб, қунт билан меҳнат қилган Улуғбек ўзининг ишлаётувчан ва ишчанлиги билан бўлим коллективи ўртасида тезда танилди. улар орасида обрў қозонди.

Республиканинг шаҳар ва қишлоқларидаги обуначиларга ва бўлак ерларга жўнатиладиган газета, журналларни саралашда ниҳоятда эпчиллик, чаққонлик талаб этилади. Улуғбекда ва ҳамкасбларида бу ҳислатлар етарли.

— Менн тарбиялаб вояга етказган бутун коллективдан бир умр миннатдорман, чунки шу коллективнинг меҳрибончилиги ва ёрдами туфайли мустақил касб эгаси бўлдим,— дейди Улуғбек.

Зиёкор матбуотчи ўнлаб шогирдларни тарбиялаб етиштирди. Унинг ўзи билан ёнма-ён туриб ишлаётган шогирдларидан Карима Шермуҳамедова, Ғуломжон Қодиров, Роза Боромихова, Карим Маҳмудов, Малоҳат Рустамова ва бошқа кўпгина комсомол ишчи-ёшлар смена нормаларини 110—120 процентга етказиб адо этиб ,илғорлар сафида бормоқдалар.

Матбуот соҳасидаги беқиёс ишлари назарга олинган, Улуғбек СССР алоқа министрлигининг ҳамда бир неча бор Ўзбекистон ССР алоқа министрлигининг ёрлиқлари билан тақдирланди. 1970 йили эса «Шавкатли меҳнати учун» юбилей медалини олишга сазовор бўлди. Бундан ғоят руҳланган йигит шу кунларда ғайрат билан меҳнат қилмоқда.

Жамоатчи зиёкор ишлаётган мазкур бўлимда «Муштум», «Крокодил», «Гулистон», «Шарқ юлдузи» «Звезда Востока» «Фан ва турмуш», «Партия турмуши», «Саодат» каби турли журналлардан йилига эллик уч миллиони республикамиздан бўлак Ливан, Мали, Ироқ, Жазоир, Туркия, Эрон, Афғонистон, Болгария, Польша, Чехословакия, Куба каби кўпгина чет эл мамлакатларига ҳам юборилиб турилади.

Бу ишларнинг барчасида Улуғбекнинг меҳнати ўз самарасини кўрсатмоқда. Элни билим чашмаларидан баҳраманд этишдек юксак ишларга бутун кучини сарф этиш йўлида енг шимарган бу олов қалб йигитга бундан кейинги ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

Х. ЗАИНИДДИНОВ.

Янаёкон республикамизда

АНГРЕН ТОКИ НАМАНГАНДА

НАМАНГАН. Ангрен ГРЭСи—Наманган электр узатиш янги юқори қувватли линияси давлат энергосистемасига уланди. Ана шу муносабат билан митинг бўлиб ўтди. Митингда Наманган меҳнаткашларининг вакиллари қурувчиларни меҳнат галабаси билан қизғин табрикладилар. Фарғона водийсидаги йирик энергетика объектлари—янги ЛЭП—220 ва кичик станция жуда қисқа вақт ичида 2,5 йилда қурилди. Уларни фойдаланишга топшириш натижасида областни электр билан таъминлаш имконияти икки баравар ортади. Келаси йил бу линия Андижонгача давом эттирилади. Шундан қилиб Фарғона водийси бўйлаб энергетика халқаси бунёд этилади.

(ЎзТАГ)

«ЁШЛИК»НИНГ ЮЗИНЧИ КОНЦЕРТИ

ГУЛИСТОН Сирдарё район маданият уйининг «ёшлик» ансамбли ва рақс халқ ансамбли олган кўпдан-кўп табрикномалари ва мукофотлари ёнига тағин бир ёрлиқ қўшилди. Бу—хаваскор артистлар оталиқ қилаётган Ленин номли колхоз пахтакорларидан эсдаликдир. Йигим-терим мавсумида коллектив районнинг дала шийпонларида юзта концерт қўйиб берди.

Ҳозирги вақтда кўрикдаги область пахта дала-ларининг меҳнатчиларига бир юз ўттиз бадиий хаваскорлик коллектини хизмат кўрсатмоқда.

(ЎзТАГ)

«ГУЛБОҒ» МЕХАНИЗАТОРЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

ЖАМАШУЙ (Наманган области). «Гулбоғ» кўрик ер совхозининг механизаторлари Наманган областида биринчи бўлиб пахтани машинада териш планини бажардилар. Улар «зангори кема» бункерларидан 800 тонна биринчи сортли хом ашё тўкдилар. Совхозда машиналар группа методида ишламоқда. Ҳар бир группага тажрибали механиклар бириктирилган, техник ёрдам кўрсатиш яхши йўлга қўйилган.

Механик хайдовчилар мусобақасида биринчиликни Холдор Хўжаев эгаллаб келмоқда. Унинг шахсий ҳисобида «Ўзбекистон» машинасида терилган 260 тонна пахта бор. 110 дан ортиқ «зангори кема» далаларда ишни давом эттирмоқда. Хўжалик механизаторлари қўшимча равишда яна икки минг тонна «оқ олтин» теришга сўз бердилар.

(ЎзТАГ)



Пойтахт областининг «Қибрай» совхози боғларида бу йил узумдан мўл ҳосил етиштирилди. Ширин-шарбат узумлар пешма-пеш Тошкент шаҳрига, Сибирь ва Уралдаги шаҳарларга жўнатилиб турилибди.

СУРАТДА: пешқадам узум узувчи Тожи Раҳимбердиева. У кунлик топшириқларини мунтазам ошириб бажарянти.

Р. Шамсуддинов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).



ФАРЗАНДЛАР ҲАМ ЎРГАНСИН

Тиш кавлашнинг ҳам ўзига яраша одоб-қоидаси бор. Тиш кавлаганда уён-буёнга туфлаб бошқаларнинг таъбини хира қилмаслик лозим. Кўпинча, болалар тишни ҳар хил чўплар, тўғноғич ё бошқа шу хил нарсаларда кавлашади. Бу эса, саломатлика жуда зарар. Чунончи гугурт қўлдан-қўлга ўтиб инфосланган бўлиши мумкин, янгисига эса парафин суртилган.

Тишга дорихоналарда сотиладиган пат кавлагичлар ишлатган маъқул. У тишни бузмайди. Мулойим-қайишқоқлигидан тиш кавагида синиб қолмайди.

Хуллас фарзандларимизни ҳам тишларини тозалашда кавлагичлардан фойдаланишга ўргатайлик.

ОҒИР КАСАЛЛИК

Сил менингити — сил қўзғатувчиси келтириб чиқарадиган мия пардаларининг яллиғланишидир. Бу касалликнинг келиб чиқишида сил билан инфицирланган бола организми чидамининг сусайиши муҳим давр ҳисобланади. Силнинг бу даҳшатли асорати болалик ва ўспиринлик даврида пайдо бўлади. Сил менингити ҳар қандай даврда, сил тарқалганда ва мияда жойлашганда пайдо бўлиши мумкин.

Болаларда сил менингити юқумли касаллик билан оғирганда, хусусан, қизамиқ, кўкйўтал билан оғриб тузалгандан сўнг, шунингдек совуқ қотганда, жуда исиб кетганда, баъзи кўнгилсиз ҳодисалар юз берганда, ҳатто қаттиқ ҳаяжонланганда пайдо бўлади. Бунинг исботи учун қуйидаги мисолни келтирамиз:

Қ. исмли олти ёшли қизча 1961 йилдан бери силга қарши диспансер ҳисобида турар эди, унда сил пробаси мусбат бўлиб чиққан эди. Қизчанинг отаси ўпка касалига йўлиққан. Қизча мунтазам равишда даволанмади, онаси ўз вақтида дори (фтивазид) бермади. У 1962 йилда қизамиқ билан оғрийди. Орадан бир неча кун ўтгач, ҳоли қурийди, яхши ухлай олмайди, иштаҳаси ёмон бўлади ва вақти-вақти билан температураси 37,2—37,3 градус атрофида бўлиб туради.

Онаси, қизамиқ касаллигининг асоратидан кейин шундай бўлаётгандир, деб ўйлаб, уни ўз вақтида врачга олиб бормайди. Орадан бир ҳафта ўтгач, қизча боши оғриётганидан шикоят қилади, эртаси куни қайт қилади, бу қусиш овқатдан эмас эди. Қизча, сил менингитига шубҳа қилингани ҳолда, касалхонага юборилади. Ишончли клиник аломатлар асосида ва орқа мия суюқлигини текшириш натижасида унга сил менингити деб, диагноз қўйилди.

Бўлиб ўтган қизамиқ организмнинг чидамини сусайтиргани натижасида сил процессига бош миянинг юмшоқ пардалари қўшилиб кетган (менингит).

М. исмли бемор қиз 14 ёшда, 1965 йилда сил бронхоаденити билан оғриб тузалади, касалхонада, кейинчалик санаторийда даволанади, ундан сўнг диспансер кузатувида бўлади. Қизчанинг аҳволи доимо яхши бўлган, ҳеч нарсадан шикоят қилмаган. Врачлар унинг сил бронхоаденитдан тамоман согайиб кетганини аниқлашади. У ёзда, врачларнинг тақиқлашига қарамай, чўмилади ва офтобда тобланади. 1966 йилнинг августида боши оғрий бошлайди, қусади. Қизча клиникага ётқизилади, касалхонада қизга сил менингити деб диагноз қўйилади.

Бу ҳодисада исиб кетиш ва қуёш инсоляцияси бронхоаденитнинг қўзғатишига сабаб бўлган, кейин у менингитга ўтиб кетган.

Яқин пайтларда сил менингити бедаво касаллик ҳисобланар эди, касаллик қуйидагича ўтарди: менингиал симптомлар пайдо бўлганидан бошлаб, касаллик тез авж оларди, фалажлик рўй берар, эси кирар-чиқар бўлиб қолиб учинчи куни бемор ҳушдан кетарди. Ютиш акти ва юрак фаолияти функцияси бузилиб, учинчи ҳафта охирига, тўртинчи ҳафта бошига бориб, кўнгилсиз ҳодиса юз берар эди.

Ҳозирги пайтда болаларнинг сил менингити билан касалланиши ва ундан ўлиш ҳодисаси, айниқса стрептомицин пайдо бўлганидан сўнг кескин камайиб кетди. Бироқ, сил менингитининг оқибати касалликни барвақт аниқлашга боғлиқ бўлади, чунки касаллик диагнози кечикиб қўйилганда, жуда кўп асоратлар — бош мия истисқоси, оёқ-қўлларнинг фалажланиши психиканинг бузилиши ва бошқалар юз беради.

А. А. САИДАҲМЕДОВ,
профессор.

Болаларни ревматизмдан сақланг

Ревматизм — айниқса болалар орасида кўп тарқалган касаллиқдир. Бу касалликнинг келиб чиқишида сил билан инфицирланган бола организми чидамининг сусайиши муҳим давр ҳисобланади. Силнинг бу даҳшатли асорати болалик ва ўспиринлик даврида пайдо бўлади. Сил менингити ҳар қандай даврда, сил тарқалганда ва мияда жойлашганда пайдо бўлиши мумкин.

Жаҳондаги кўпчилик олимларнинг фикрича, ревматизм инфекцион — аллергик касалликлар жумласидан бўлиб, уни гемалитик стрептококк деган шарсимон, юмалоқ микроб келтириб чиқаради. Бу микроб кўпчилик ёш болаларнинг қурт еган тиш илдизларида, бурун-халқумида ва бошқа органларида ҳамиша бўлиб, ангина сарамас, ўрта қулоқнинг йирингли яллиғланиши, скарлатина каби кўпгина касалликларга дучор қилади.

Болалар грипп билан оғриб тузалгандан кейин, улар организмининг иммунитетлари сусайиб кетади, болаларнинг иштаҳаси йўқолади. Натижада озиб кетади, организми ҳолдан кетади, фақат грипп эмас, ўпка яллиғланиши ва бошқа касалликларнинг пайдо бўлишига мойиллик туғилади.

Ангина, одатда уч-беш кунда ўтиб кетади ва бола одатдагидай мактабга бораверади. Бироқ ангина ўз оқибатлари билан жуда хавфли.

Ревматизм ангина хирургия йўли билан тузалгандан сўнг, ўн-ўн тўрт кун ўтгач кузатилади, чунки стрептококли ангинадан тузалган касал болалар ревматизм инфекциясига айниқса мойил бўладилар: бунда организмнинг умумий ҳолати ҳал қилувчи роль ўйнайди. Жисмонан чарчаш, қаттиқ изтироб чекиш, узоқ вақт совқотиш, айниқса лоқайдчиликда ботинқасиз қалиш киймб юриш, сандалда ўтириш ревматизм авж олишига имкон туғдиради.

Инфекция аста-секин турли органларда, асосан бўғинларда, юракда ва мияда ўзгаришлар келтириб чиқаради, организмда барча алмашинув процесслари бузилади. Боланинг боши оғрийди, иштаҳаси пасаяди, сал нарсага чарчайди, югурганда ва жисмоний иш қилганда ҳансираб қолади, бўғимлари ва мушаклари оғришидан нолийди. Ҳотираси пасайиб, ниҳоят бўлиб қолади. Шу нарсаларга ота-оналар ниҳоятда эътибор беришлари, сал шубҳа туғилиши ҳамоно врачга мурожаат қилишлари керак.

Ревматизмнинг олдини олиш учун ота-оналар, врачлар, педагоглар болаларга диққат-эътибор билан қарашлари ва биргаликда унга қарши курашмоқлари керак.

Ревматизм профилактикасини бола туғилганиданоқ бошлаш, режимни тўғри уюштириш, яхши овқатлантириш, мева ва сабзавотлардан кўп бериш керак. Болаларнинг соф ҳавода бўлишлари уларни чиниқтиради ва организмини инфекцияга қарши таъсир кўрсатадиган иммунитетини оширади, тўйиб ухлаш, меҳнат билан дам олишни тўғри ташкил қилиш керак, мактабдан қайтган заҳотиёқ болани дарс тайёрлашга ва иш қилишга ундамасдан, уни овқатлантириб, дам олдиришш лозим.

Агар боланинг тишини қурт еган бўлса, даволаш ёки уларни олдириб ташлаш кёрак, чунки тишда тўпланган микроблар қонга ўтиб, ревматизмнинг авж олишига имкон туғдиради.

Ўткир ангинани, сурункали тумовни ўз вақтида охиригача даволаш ғоят муҳим аҳамиятга эгадир.

С. Н. ИУЛДОШЕВА
врач.

Яқинда тугаган Халқаро Лейпциг кузги ярмаркасида кичик ҳажмли «ПЭКС—01» совет электрокардиоскопи олтин медаль билан тақдирланди. Врач-терапевтлар учун жуда зарур бўлган бу прибор касалхоналарда, хонадонларда беморларни текширувдан ўтказишга ёрдам беради. Унинг ёрдамида бемор юрагининг биоэлектрик активлиги аниқланади. Бу ажойиб приборни электрон медицина аппаратлари Бутуниттифоқ илмий-тадқиқот ва конструкторлик институтининг ходимлари яратишган.



СУРАТДА: лаборатория ходими Людмила Вериго «ПЭКС—01» электрокардиоскопи билан.

Б. Криштул фотоси, (АПН).

Полиомиелит нима?

Сиз бу сўзни эшитгансиз, албатта. Балки хаёлингизга бу билан боғлиқ бўлган бошқа сўзлар — болалар, инфекция, фалаж, вакцина ҳам келгандир. Эҳтимол, бу сўз сизга нотанишдир ёки у ҳақда кўп нарса билмасиз? Келинг, полиомиелит қандай касаллик эканлигини, у қандай кечишини ва қандай хавф туғдиришини кўриб чиқайлик.

Жуда узоқ вақтлар давомида полиомиелит медицина ходимлари учун кеч ҳал қилиб бўлмайдиган муаммолардан бири бўлиб келди. Минглаб машҳур ва ҳали номи чиқмаган врачлар ҳамда илмий ходимлар бу касалликнинг келиб чиқиш сабабларини қандай юқишини аниқлаш, даволаш ва олдини олиш чораларини қидириб топиш устида тинмай иш олиб бордилар.

Полиомиелит, ҳамма юқумли касалликлар каби, касаллик қўзғатувчисининг одам организмига тушишидан бошланади. Касаллик қўзғатувчиси организмга кўпинча оғиздан киради.

Полиомиелит вируси қандай пайдо бўлади? Касаллик тарқатиш манбаи нима? Асосий манба — бемордир. Бемор касаллиқнинг биринчи икки ҳафтаси давомида нажоси билан жуда кўп миқдорда вируслар ажратади. Бироқ, атрофдаги одамлар учун вирус ташувчилар, яъни ташқи кўриниши соғлом бўлиб, организмида полиомиелит вирусини тутадиган ва уни нажоси билан ажратадиган одамлар ҳам анча хавфлидир.

Мана, вирус организмга тушди. Бу ёғи нима бўлади? Овқат хазм қилиш йўлдан ичакка ўтиб, шу ерда ўзига жой ҳозирлайди: ичакни ўраб турадиган ҳужайраларга кириб зўр бериб кўпая бошлайди. Касаллик қўзғатувчиси организмга тушиб, касаллик аломатлари юзага келгунча ўтадиган вақт — инкубацион давр ичида полиомиелит вируси куч йиғади ва мунтазам кўпая бориб, ўзига ўхшаган заррачалардан иборат бутун армиянн тўплайди.

Касаллик юққанидан кейин тахминан 5—7 кун ўтгач бола таниб бўлмайдиган даражада ўзгариб кетади: яқиндагина тетик, хушчақчақ ва қувноқ бўлган бола, бугун тинмай йиғлайди ва инжиқлик қилади. Боланинг эти увишади, иситмалайди (иссиғи 38—39 градусгача кўтарилади). боши оғрийди, йўталади, тумов бўлади, баъзан кўнгли айнийди, қусади, ичи кетади.

Касалликнинг бу аломатлари шамоллаб қолгандаги аломатларга жуда ўхшайди. Лекин, ҳушёр бўлинг, оналар! Вақтни, ўтказманг ва касалликнинг илк аломатлари сезилиши биланоқ болани врачга кўрсатинг!

Г. Қ. ЗОИРОВ.
врач-вирусолог.

Планета янгиликлари

АПН, ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР БЕРАДИЛАР

АНВАР САДАТНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ҚОҲИРА. (ТАСС). Бирлашган Араб Республикасининг президенти Анвар Садат ўзининг мамлакат аҳолисига қарата чиқарган ва радио ҳамда телевидение орқали эшиттирилган биринчи расмий мурожаатида бундай деди:

«Бизнинг олдимизда Жамол Абдул Носир мерос қилиб қолдирган вазифа — халқ билан армиянинг бирлигини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашдан иборат буюк ва қийин вазифа турибди».

Президент Носирнинг бевақт вафоти, деди Анвар Садат, ўз тарихининг қийин даврини бошдан кечираётган халқимиз учун жуда оғир мусибат бўлди. Лекин шу кунларда халқ бизга марҳум президент кўрсатиб берган революцион йўлдан боришга бўлган ҳоҳиш-иродасини исбот этди.

У умумхалқ сайлови натижаларига тўхталиб, сайловда қатнашганларнинг 6 миллиондан кўпроғи Жамол Абдул Носир сиёсий йўлининг давом эттирилишини қатъиян қўллаб - қувватлаганлигидан мамнуният изҳор этди.

Анвар Садат ҳамма сайловчиларга чуқур миннатдорчилик билдирди ва халқнинг ишончини оқлаш учун бутун кучимни сарфлайман, деб уларни ишонтирди.

Анвар Садат миллатни жипслашишга чақирди.



ГДР билан Совет Иттифоқи ўртасида мустаҳкам дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. 21 йил ичида СССР билан республиканинг товар оборати 12 баравар кўпайди.

СУРАТДА: Берлин станоксозлик комбинатида. «Станкоимпорт» ранси В. Н. Медведев (чапдан иккинчи) СССР буюртмаси билан тайёрланган станокларнинг навбатдаги партиясини қабул қилиб олмоқда.

АДН—ТАСС фотоси.

Шартнома тасдиқланди

ЛАГОС. (ТАСС). Нигерия пойтахтида Африкадаги ана шу энг катта мамлакатда бўлгуси металлургия саноати учун керакли хом ашёни қидириб топиш мақсадида совет мутахассислари томонидан геология-разведка ишлари ўтказиш тўғрисида СССР билан Нигерия ўртасида тузилган Шартномани тасдиқлаш маросими бўлди.

АФРИКАДАГИ МУСТАҚИЛ МАМЛАКАТЛАР НОРОЗИЛИГИ

ЛОНДОН. ТАСС мухбирлари В. Никитин ва В. Оснпов хабар берадилар:

Замбия президенти Кеннет Каунда матбуот конференциясида бундай деди: «Англия Жанубий Африка Республикасидаги ирқчилар режимига яна қурол-яроғ сота бошлар экан, уни миллатлар ҳамдўстлигидан чиқариб юбориш керак».

Кеннет Каунда Африка бирлиги ташкилоти делегациясига бош бўлиб Лондонга келди. Делегация составида Жазоир. Мали. Кения ва Камерун ташқи ишлар министрлари ҳам бор. Делегация Англия ҳукуматининг Жанубий Африка Республикасига яна қурол-яроғ сота бошлашнияти борлигига қарши Африка қитъасидаги мустақил давлатларнинг норозилигини билдирмоқ учун Англия бош министри Э. Хит ҳузурида бўлди.

Англия ҳукуматининг ана шу қурол-яроғлар Жанубий Африка Республикасига қандайдир «коммунистик хавф»нн даф қилмоқ учун зарур деган даъволарини К. Каунда қатъиян рад этди.

ХАЛҚАРО СТУДЕНТЛАР СОЮЗИ СЕКРЕТАРИАТИНИНГ ҚАРОРИ

ПРАГА. (ТАСС). Халқаро студентлар союзининг секретариати ЧССР студентлар ташкилотининг халқаро студентлар союзи X конгрессини Словакия Социалистик Республикасининг пойтахти Братислава шаҳрида ўтказиш тўғрисидаги таклифини қабул қилди.

Конгресс 1971 йил 3—10 февраль кунлари бўлиб ўтади.

КОРОЛЬ ҲУСАЙННИНГ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

АММОН. (ТАСС). Иордания короли Ҳусайн бу ерда матбуот конференциясида сўзга чиқди. У ўз сўзида 13 октябрда Иордания пойтахтида Фаластин озодлик ташкилоти Марказий Комитети билан Иордания ҳукумати ўртасида тузилган битимнинг муҳим аҳамиятини таъкидлади.

«Араб раҳбарларининг кўмаги туфайли эришган битим, — деди Ҳусайн,—Иорданиянинг барча фарзандлари иттифоқи ва ҳамкорлигига асосланган янги Иорданиями қуриш йўлини очиб берди. Бу битим мамлакат тарихида бурилиш нуқтасидан иборатдир».

Король ишонч билдириб, бундай деди: Иорданиядаги тенгликни бартараф этиш негизида томонларнинг самимий ҳамкорлик қилишга ва бир-бирини ўзаро тушунишга интилиши бор. Король Ҳусайн эришилган битимни амалга ошириш муҳимлигини таъкидлаб ўтди. У яна бундай деди: «Ҳар қандай бартараф этиш Исроилнинг 1967 йил агрессияси натижасида оккупация қилинган Иордания территорияларининг Иорданияга қайтариб берилишини ва Фаластин халқининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1948 йилдан буён қабул қилинган резолюцияларига биноан барча ҳуқуқлари тикланишини таъминламоғи зарур».



Болгария океанларда балиқ овламоқда

Болгариянинг океанлардан узоқда жойлашгани ҳар бир кишига маълум. Унинг соҳилларини фақат Қора денгиз сувларигина ювади. Қора денгизда кейинги вақтларда балиқ камайиб кетди. Унга бўлган талаб эса ўсиб борянти. Хўш нима қилиш керак? Дунайда ва ички ҳовуз-ҳўлларда балиқ овлашни кўпайтириш керакми? Лекин бу имконият етарли эмас: бутун балиқ запасини жуда тез битириш мумкин. Ёки чет эллардан балиқ келтиришни кўпайтириш зарурми? Бунинг учун эса кўпгина қўшимча валюта керак. Ўз океан балиқчилик флотимизни юзага келтириш мақсадга мувофиқ бўлмасмикин? Мутахассисларимиз ва юқори органларимиз айни шу кейинги вариантни маъқул топдилар.

Бу вариантни амалга ошириш учун Болгарияда ҳамма шароитлар: океанга (Қора денгиз орқали) чиқиш учун қулай йўл, денгизчи кадрлар мавжуд эди. Фақат кемалар ва тажриба етишмас эди.

Совет Иттифоқи бу гал ҳам бизга ёрдамга келди. 1964 йилда икки мамлакат ўртасида битим тузилди. Бу битимга мувофиқ СССР бизнинг республикамизга балиқ овлаш ва муздатиш-транспорт кемалари етказиб бериш ва океанлардан балиқ овлашни ўзлаштиришда техникавий ёрдам кўрсатиш мажбуриятини олди. Уша йилиёқ республика «Феникс» номли биринчи траулерни олди.

Ҳозир, орадан атиги беш йил ўтгач, Болгария флоти составида ўн саккизта океан балиқчилик кемаси ва тўртта музлатиш-транспорт кемасига эга. Траулерларга «Бўрон қуши», «Альбатрос», «Пеликач» каби денгиз қушларининг, музлатиш кемаларига эса Болгариянинг машҳур курортларининг, «Олтин қумлар», «Қўёшли соҳил», «Албена» номли қўйилди. Болгария балиқчилик флоти кемаларини ҳозир жаҳон океанининг Канададан тортиб Жанубий Африкагача бўлган ҳамма кенгликларида учратиш мумкин.

Океанлардан балиқ овлаш экономиканинг анча фойдали тармоғи эканлиги маълум бўлди. Биринчи сотиб олинган траулерлар ўртача уч ярим йил ичидаёқ ўз харажатларини қоплади. Барча кемалар учун умуман 46651 минг лево сарфланган бўлса, ўтган йилнинг охиригача 30198 минг лево соф фойда олинди. Беш йил ичида 186.558 тонна балиқ овланди. Бу кишиларимиз дастурхонидаги овқатлар хилини кўпайтириш имконини берди. Балиқ таомларининг хўрандалари эса кун сайин кўпаймоқда.

Яқин йилларда республикамизнинг океан траулер флоти такомиллаштирилган нусхадаги ўн беш кема билан тўлдирилади. Бургасдаги йирик қайта ишлаш комплексининг биринчи навбати ишлай бошлайди. 1975 йилгача йиллик балиқ овлашни 168 минг тоннага етказиш мўлжалланди.

Энди биз денгиз инъомларини чет эллардан келтиришни хаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Аксинча, биз Руминия, Югославия, Чехословакия, Италия, ГФР ва бошқа мамлакатларга борган сари кўпроқ балиқ экспорт қиляпмиз.

Монс ДЕКАЛО,
болгар журналисти,
(АПН—София — ПРЕСС).

АМЕРИКА МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ СОДИҚ ФАРЗАНДИ

НЬЮ-ЙОРК. ТАСС мухбири Э. Васкаков хабар беради:

Америка меҳнаткашларининг содиқ фарзанди, АҚШ Коммунистик ва ишчи ҳаракатининг атоқли арбоби, содиқ марксчи-ленинчи Гэс Холлнинг 60 йиллигини нишонлаш учун бир мингдан ортиқ киши Нью-Йоркдаги залларнинг бирига тўпланди.

АҚШ Компартияси Нью-Йорк бўлимининг раиси Р. Стори тантанали йиғилишни очди ва Гэс Холл Америка меҳнаткашларининг АҚШдаги ҳукмрон доиралар томонидан ўтказилаётган реакцион ички ва ташқи сиёсатга қарши, моно полистик капиталнинг Америка ишчилар синфи ҳуқуқларига иқтисодий жиҳатдан қилаётган ҳужумига қарши курашга жуда катта ҳисса қўшганлигини таъкидлади.

Америка комсомоли — «Озодлик учун курашувчи ёш ишчилар иттифоқи» аъзолари номидан сўзга чиққан шу иттифоқ раҳбари Ж. Тайнер бундай деди: Гэс Холлнинг ҳаёти ва фаолияти Қўшма Штатларининг ўз ҳаётини социализм ва демократия учун курашга бағишлаган йигит ва қизлари учун ҳамиша ибратомуз намуна бўлиб қолади.

КПСС Марказий Комитети, бошқа мамлакатлар коммунистик ва ишчи партияларидан, шунингдек АҚШдаги кўпгина коммунистик ва прогрессив ташкилотлардан юбилей номига олинган табрик телеграммалари тўлдурос, давомли қарсаклар остида ўқиб берилади.

Йиғилишда сўзга чиққан Гэс Холл Америка империализмининг Ҳинди-Хитойдаги агрессиясига қарши, АҚШдаги ёшлар ҳаракати, неграл ҳаракати ва урушга қарши ҳаракат активларига нисбатан репрессялар кучайтирилаётганлигига қарши курашни давом эттириш зарур эканлигини таъкидлади.

Ж. НЕРУ—ТИНЧЛИК УЧУН АТОҚЛИ КУРАШЧИ

ДЕҲЛИ. Бу ерда Ҳиндистоннинг атоқли давлат арбоби марҳум Бош министр Жавоҳарлаъл Неруга Жаҳон тинчлик кенгашининг олий мукофоти — Фредерик Жолио-Кюри номидаги «Тинчлик олтин медали» топширишга бағишланган тантаналн маросим бўлди.

Ҳиндистон Бош министри Индира Ганди президиумга чиққанида мажлис аҳли уни самимий қутиб олди. «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофотининг лауреати Изабелла Блюм (Бельгия) Жаҳон тинчлик кенгаши номидан Индира Гандини табриклаб, марҳум Жавоҳарлаъл Нерунинг тинчлик учун, империализмга қарши, халқлар озодлиги ва мустақиллиги йўлидаги курашга катта ҳисса қўшганлигини таъкидлаб ўтди.

Бош министр Индира Ганди жавоб нутқи сўзлади.

Мажлис аҳлининг гулдурос қарсаклари остида Жаҳон тинчлик кенгашининг Бош секретари Ромеш Чандра (Ҳиндистон) Жолио-Кюри номидаги «Тинчлик олтин медали»ни Индира Гандига топширди.

МИНАМАТА ФОЖИАСИ

УНЧА катта бўлмаган саноат шаҳри Минаматани Японияда чексиз алам билан тилга оладилар. Бу сўз бу ерда ғам-кулфатнинг синоними бўлиб қолган. 50000 шаҳар аҳолисининг катта қисми кўп йиллардан бери давосиз касалликдан азоб чекмоқда. Касаллик, айниқса болаларга ўз ситамини ўтказмоқда. Улар кўр, соқов, гаранг, нимжон ва эси паст бўлиб туғилмоқда, орадан ўн-йигирма йил ўтар-ўтмас ўлиб кетмоқда.

Бу касалликнинг дастлабки белгилари катта ёшдаги кишиларда бундан йигирма йил илгари сезилган эди. 1956 йилга келибгина касаллик сабабларини аниқлаш учун Минаматага ҳукумат комиссияси юборилди. Олим ва врачларнинг олиб борган кузатув ва тажрибалари натижасида даҳшатли фактлар аён бўлди. Шаҳар ва унинг чеккалари, ҳаво ва сув маҳаллий химия корхонасининг чиқиндилари билан заҳарланган экан. Денгиз маҳсулотлари орқали зарарсизлантириб бўлмайдиган симобнинг заҳарли бирикмалари инсон организмига тушаётган экан.

Минаматада болалар ўлишда давом этмоқда, ота-оналар доимий даҳшат остида яшамоқда. Шаҳар устида эса тутунлар сузиб юрибди. Бу ерга биринчи марта келган киши орадан ўн минут ўтмасдан, кучли бош оғригини ҳис эта бошлайди.

Пулдорлар манфаати оддий кишилар соғлигига нисбатан устун чиқди.



СУРАТЛАРДА: юқорида — шаҳарнинг заҳарли «ўчоғи» —завод территорияси; чапда — 14 ёшли Тосимаса Танака онаси қўлида жон бермоқда.

Суратлар «Квик» (ГФР) журналидан олинган.

✻ КЕКСА ЮРАК МАВЖЛАРИ

БИНОКОР ШОИР

Каттақўрғон шоирлар макони бўлиб келганлиги шеърият мухлисларига маълум. Шундай экан, каттақўрғонлик дурадгор устанинг яхлигина шоир бўлиши ажабланарли эмас.

Шарафиддин ака улуғ ёшдаги киши, бутун ҳаётини бинокорлик билан бирга, ўзи яшаётган улуғ замонни улуғлаб, шеърлар ёзаётган теран табиат хушфеъл серзавқ бинокор шоир сифатида «Холис» тахаллуслси, халқ ҳурматига сазовор меҳнаткашдир.

Биз таниш эмас эдик, Шарафиддин ака Қобилов бундан икки йил олдин каминага шеърий мактуб ёзиб, шеърий жавоб олгач, орамизда дўстона робита пайдо бўлиб бу йил бу ажойиб одам хонадонимнинг бир неча кунлик азиз меҳмони бўлди ва танишдик.

Газал ёзишга жуда ёшликдан ҳаваси уйғонган бу мўйсафид шоир Улуғ Ватан уруши йилларида жанг майдони окопларида ҳам қаламни қўлидан қўймай, жангдан қайтгач, тинч қурилишда дам теша тутиб, дам қалам ушлаб, халқ бахти-саодатини куйлади.

Отахон шоир Шарафиддин Холиснинг шеърларидан бир нечаси бизда мавжудлигидан фойдаланиб, севимли газета — «Тошкент оқшоми» орқали шеърият мухлисларига тортиқ қилиш айни муддаодир.

Собир АБДУЛЛА,
Ўзбекистон ССР халқ шоири.

Тешам

Ҳамма асбобим ичида чиқди чаққоним тешам,
Ржадин чиқмай чопарда қўлда ҳар оним тешам.
Меҳнатим сарф айласам элга бинокорлик билан,
Ортдирур мардум аро бу шуҳратим-шоним тешам.
Шу сабабли ризқу рўзғорим ўтар, минг шукрюм,
Тан сиҳат бўлса топар ризқимни, дармоним тешам.
Сен туфайли хонадон обод эрур, йўқ камчилик,
Нозу-неъмат манбаи ҳам боғу-бўстоним тешам.
Пешлаган устога балли, мунча ҳам ўткир даминг,
Холис айтур доимо сен тиғи бурҳоним тешам.

Техника

Янгиликлар бу жаҳонга қилди жорий техника.
Барча ишнинг дастгир ҳожатбарори техника.
Мақсад-у, матлабга етмоқликни хўп осон қилур,
Халқимиз оромижони, ифтихори техника.
Ултирур инсон фароғат бирла, гоҳ айлаб назар,
Автоматлашган сабаб, инсон мадори техника.
Ҳар қаю ишларни қилмоқлиқ учун тадбир кўп,
Барча тадбирлар аро энг эътибори техника.
Пахта экқач, пахта тергач, парвариш ҳам айлагач,
Бўлди деҳқоннинг ҳамиша чин шериқ техника.
Кўп қувондим, ҳам ишондим фаҳм этиб моҳиятин,
Шу сабабли дейди Холис кору-борин техника.

Самарқанд

Либоси лаълу гавҳардур Самарқанд,
Жаҳон аҳлига дилбардур Самарқанд.
Ягона шаҳри акбардур Самарқанд,
Ватан зебига зевардур Самарқанд.
Самарқанд таълимин олди Навоий,
Билим осмонининг хуршиду ойи.
Булар мақтовга лойиқдир киройи,
Ери зар, халқи заргардир Самарқанд
Расадхона Улуғбек қилди бунёд,
Мунажжимликда бўлди элга устод,
Билинг деб халқига у қилди имдод,
Асрлар шамси анвардир Самарқанд.
Шаҳарнинг кўксидир кенг боғу бўстон,
Вилоятлар аро элларга достон,
Уни дер аҳли олам: Ўзбекистон,
Езилса неча дафтардир Самарқанд.
Кўрибдир икки минг беш юз баҳорин,
Кўринг Афросиёбу полазорин,
Темур пештоқи-ю, нақшин минорин,
Билимдонларга минбардур Самарқанд.
Келурлар хорижий ерлардан эллар,
Кезиб тупроқ ҳарорат обу еллар,
Бу тўрт фасли бўлур байрам, сайиллар,
Томошадин тутар соғар Самарқанд.
Қадимий хатларинг тарихин сўзлар,
Уқиб уқмоқ билан тўймайди кўзлар,
Асрлар ярқираб нақшин рамўзлар,
Бу Холис жисмига сардур Самарқанд.

Шароф Қобулов (ХОЛИС).



Озарбайжон Давлат ашула ва рақс ансамблининг ижрочилик маҳорати кўпларни мафтун этган. Коллектив репертуаридан озарбайжон қўшиқ ва рақслари билан бирга Совет Иттифоқи бошқа халқларининг куй ва қўшиқлари ҳам ўрин олган.
СУРАТДА: ансамбль «Дўстлик рақси»ни ижро этмоқда. Ю. Рахиль фотоси.

✻ УЙ БЕКАЛАРИ, СИЗЛАР УЧУН

ГУЛЛАР

Гул ва ўсимликлар ҳамиша хонани жозибадор ва чиройли қилади, гулни севиб парвариш қилувчи кишига чинакам қувонч бағишлайди.

Гуллар стол устида, дераза токчасида, полда, деворга осиғлиқ ҳолда махсус токчаларда туриши мумкин. Унча катта бўлмаган бундай токчаларни ҳар ким ўзи ясай олади. Улар жойни кам олади, ажойиб кўринади. Токчаларни ёруғлик кўпроқ тушадиган жойга осиш керак. Уларнинг ўлчами гултувакларнинг ўлчамига мосланиши лозим.

Кундузги ёруғлик етарлича тушиб турмайдиган хонада гуллар дераза токчасига қўйилмасин, чунки улар ёруғликни тўсиб, хонани баттар қоронғилатади.

Гултувакларни девор токчаларига жойлашда деворнинг ранги билан уйғунлаштиришни унутмаслик керак. Стеллажга нарсалар (китоб, ҳайкалча ва бошқалар) сийрак жойлаштирилган бўлиши лозим. Стеллаждаги китоблар зич тахланган бўлса, гуллар учун бошқа жой излаш керак.

Гулдаста қўйиладиган гулдон содда, катта-кичиклиги, шакли, ранги, гулдастага мос бўлиши лозим.

Гулдаста ясашнинг ўзи бир ҳунар. Гулдонда гуллар камроқ бўлса чиройли кўринади.

Бир турга мансуб гулларнинг ҳар хил навидан, масалан, картошкагулнинг ҳар хил навларидан, лоланинг флокс, гладиолус, левкой атиргул ва бошқаларнинг ҳар хил навларидан ясалган гулдасталар ажойиб кўринади. Гулдастани ҳар хил гуллардан ясаганда гулларнинг турини кўпайтириб юбормасдан икки-уч хил гулни қўшиб қўя қолган маъқул.

Нимранг майда гуллар биллур ва шиша гулдонларда яхши кўринади. Гунафша, марваридгул ёхуд бойчечак гулдасталарини ясси ва рангсиз шиша гулдонларга қўйиш керак. Шундай иккита гулдаста байрам столини жуда безайди. Узун пояли йирик гуллар, чунончи, гулсавсар, гладиолуслар ингичка, узун шиша гулдонларга ярашади. Бундай гулдонда кўп эмас, битта ёки бир нечтагина йирик гул бўлиши керак.

Қуритилган гуллар, барглар, новдалар ва ўтлардан ясалган гулдасталар қишда хонага алоҳида кўриниш беради.

Бир неча хонали квартирани ҳар хил гуллар билан безаш мумкин. Кичкина гулдонларга солинган бўтакўз ва бинафша марваридгул ҳамда бойчечакдан тузилган гулдастачалар ётоқхонага жуда мос тушади. Боғ гулларидан ясалган катта ёки иш бурчагини ўч рангли гуллар ёки яшил новдалардан ясалган кичикроқ гулдаста билан безаш мумкин.

Гулларни махсус идишларга солиб қўйиш шарт эмас, бокалга солинган оқ бойчечак ёки юпқа шиша стаканга солинган марваридгул гулдондаги гулдастадан сира қолишмайди.

Дераза таги энсиз бўлган ва кўп мебель қўйилган квартирада осма гулдон — амплалардан фойдаланиш мумкин. Бундай гулдонлар новдаси осилиб тушадиган ўсимликлар учун жуда қулай. Уларни занжир ёки ингичка тизимча билан осиб қўйиш керак.

Квартирадаги гул ва ўсимликлар завқ беришидан ташқари амалий фойда келтириши ҳам мумкин: улар ҳавони тозалайди. енгил юпқа панжарага чирмашиб ўсган ўсимликлар ёки бир неча секцияли точкаларга териб қўйилган сершох, сербарг ўсимлик тувакчалари ўзига хос чиройли тўсиқ бўла олади.

Гул тувакчаларини акварель бўёқ билан (мойли бўёқ ишлатилмасин) соддагина нақшлар, масалан, бўйига ёки кўндалангига ранг-баранг чизиқлар тортиб ёхуд доирачалар чиқазиб безаш мумкин.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

Реклама ва эълонлар

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА—21|X да **Лайли ва Мажнун**, 22|X да **Оққуш кўли**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА—21|X да **Аяжонларим**, 22|X да **Парвона**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 21|X да **Қизбулоқ**, 22|X да **Ажаб савдолар**. 23|X да **Гули сиёҳ**.

Кино

21 ОКТЯБРДА

Спартакиада учун юз баҳодир — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «ЧАЙКА», «ДРУЖБА», «СПУТНИК» (кечқурун).

Остонадан хатлаб—«ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кечқурун).

Муқаддима—«ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», (кечқурун).

Чорбоғдаги саргузаштлар — САНЪАТ САРОЙИ (кечқурун).

Ўсмирлар (2 серия) —НАВОИЙ номли (ўзбек тилида, кеч 8.20 минутда).

22 ОКТЯБРДА

Спартакиада учун юз баҳодир— «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «ЧАЙКА», «ДРУЖБА», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Остонадан хатлаб—«ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Муқаддима—«ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Чорбоғдаги саргузаштлар — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва (кечқурун).

Она муҳаббати (2 серия) —НАВОИЙ номли (ўзбек тилида, кундуз ва кечқурун).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(Киров кўчаси, 11 уй)

ОЛЕГ СОКОЛнинг

ССССРДА ЯГОНА ЭЛЕКТРОН-ИЛЛЮЗИЯ АТТРАКЦИОНИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

ЭЛЕКТРОМЕХАНИК АССИСТЕНТ РОБОТ ИШТИРОКИДА

«МЎЪЖИЗАСИЗ МЎЪЖИЗАЛАР»

ва катта ҳар турли программалар.

Томошалар кеч соат 8 да бошланади.

Шанба кунлари: кундуз соат 3, кеч 6 да; якшанба кунлари кундуз соат 12, 3 ва кеч 6 да томошалар кўрсатилади.

Олдиндан билет сотиш кассаси эрталаб соат 11 дан очиқ.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА КИРУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИНИНГ «БИЛИМ» ЖАМИЯТИ ТОШКЕНТ ШАҲАР «БИЛИМ» ЖАМИЯТИ ТАШКИЛОТИ БИЛАН БИРГАЛИКДА

Элементар математика, физика ва химия бўйича абитуриентларни тайёрлайдиган пуллик

ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛДИ

ЛЕКЦИЯЛАРНИ — олимлар ва Тошкент политехника институтининг малакали ўқитувчилари ўқийдилар.

Машғулотлар 13 декабрдан 1971 йил 16 майгача ўзбек ва рус тилларида якшанба кунлари ўтказилади.

Абонементларни: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 13-уй, 3-қават 59-хонада сотиб олиш мумкин.

Телефонлар: 44-65-31; 33-74-24; 33-28-85; 33-27-69.

3 ноябрь кундуз соат 2 да В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг география факультети бўйича илмий даражалар берувчи илмий совет кенгаши (ТошДУ, география, В-312 аудитория)да география фанлари доктори илмий даражасини олиш учун

С. Д. Кошинский; «Каспий денгизидаги тўлқинларга статистик ва синоптик характеристика» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАНДИ

Диссертация билан университет кутубхонасида танишиш мумкин.

Тошкент шаҳар Чилонзор районидаги 82-ўрта мактаб томонидан **Қобилов Рустам Усмонович** номига берилган 700271 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

В. М. ДЕНИСОВ ВА К. В. МУКУКНИНГ диссертация ёқлаши («Тошкент оқшоми», 5 октябрь сонига қаралсин)

22 ОКТЯБРЬ ЭРТАЛАБ

СОАТ 10 ГА

КЎЧИРИЛАДИ

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

ЧЕТ ЭЛ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ РУС ВА ЧЕТ ТИЛЛАРИДА ЧИҚАДИГАН

ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

ОБУНА—1 ноябрдача қабул қилинади.

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг «СОЮЗПЕЧАТЬ» бошқармаси.

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИЛАР:

«УЗМЯСОРИВТОРГ»НИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР УЛГУРЖИ КОНТОРАСИГА

(Олтин кўл кўчаси, 2-проезд, 115-уй)

катта товаршунослар ва товаршунослар, катта омборчилар ва омборчилар, электропогрузка ҳайдовчилари, юкчилар (меҳнат ҳақи ишбай), **балиқ цехига 4-разрядли ишчилар, слесарлар, электр, монтёрлар**

КЕРАК

«СРЕДАЗНИИГАЗ» ГА (Муқимий кўчаси, 98-уй) бухгалтер

КЕРАК

ТОШКЕНТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ КУТУБХОНАСИГА (Олмазор кўчаси, 183-уй)

Олий маълумотли кутубхоначилар ва кечқурун ишлаш учун катта кутубхоначилар

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Пролетарский кўчаси, 4-уй, аҳолини ишга жойлаштириш ва информация қилиш бюроси, ҳамда район ижроия комитетлари хузуридаги инспекторларга учрашилсин.

Тошкент шаҳар Октябрь районидаги 224-ўрта мактаб томонидан **Содиқов Миразиз** номига берилган 833621 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТЕЛЕВИЗОР

21 ОКТЯБРЬ

ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

17.55 Кўрсатувлар программаси. **18.00** Самарқанд шаҳрининг 2500 йиллиги олдидан. «Виз — Ильич набиралари». Самарқанд шаҳридан олиб кўрсатилади (ўзбек тилида).

19.00 Меҳнат Қизил Байроқ орденли В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг 50 йиллигига бағишланган тантанали мажлиси. Санъат саройидан олиб кўрсатилади. **21.30** «Ахборот» информацион программаси (ўзбек ва рус тилларда). **21.45** КПСС XXIV съезди шарафига «4 миллион 400 минг тонна чуғун» (ўзбек тилида).

МОСКВА КЎРСАТАДИ

22.00 Европа мамлакатлари Кубок эгалари Кубоги учун ФУТБОЛ. ЦСКА (Болгария)—«ЧЕЛСИ» (Англия). Болгариядан олиб кўрсатилади. Танаффус вақтида ҳужжатли фильм. **23.45** «Вақт» информацион программаси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 18.00 «Шустрик ва Мямлик мактабда». Болалар учун кўғирчоқ фильм.

18.50 «Ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмаган». **19.15** Музикали кўрсатув.

Ўзбек тилида: 19.55 Ўқувчилар учун «Адабий викторина». **20.35** «02—тўлқинда». **20.40** «Халқ хизматида». **21.00** Самарқанд шаҳрининг 2500 йиллигига. «Юбилей китоблари».

МОСКВА КЎРСАТАДИ

21.30 СССР халқлари атласи.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

22.00 «Ҳамза» Бадиий фильм, (ўзбек тилида).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 20.00 «Вероникининг қайтиши». Бадиий фильм. **21.30** Рус ёзувчиси Бунин туғилган кунининг 100 йиллигига. Адабий театр. «Сўнгги учрашув». **22.05** «Ока дарёси ўлони». Фильм-концерт. Биринчи қисм.

22 ОКТЯБРЬ

ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

17.55 Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.00 Болалар учун мультфильм. **18.20** «Пахтазор илҳомлари» (ўзбек тилида). **18.35** «Ахборот» информацион программаси. **18.50** «Болалика саёҳат». Бадиий фильм.

Ўзбек тилида: 20.15 «Пахтани ёғингидан сақланг!». **20.40** «Ахборот» информацион программаси.

20,55 Ленинизм—давримиз байроғи. **21.10** САМАРҚАНД ШАҲРИНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИГА. «Ишчи—фахрли ном» программаси. Самарқанд шаҳридан олиб кўрсатилади. **21.30** Янгиликлар. **21.40** «Лўли». Бадиий фильм. **23.00** Кўрсатувлар программаси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 18.00 «Зарбдор қурилишларда», **18.25** Пахта терими—қатнашаётганлар учун концерт.

ЎҚУВ КЎРСАТУВЛАРИ ПРОГРАММАСИ

19.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. 2-курс. Немис тилидан 2-машғулот. **19.30** Сиртдан ўқиётган студентлар учун. 2-курс. Инглиз тилидан 1-машғулот.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.00 Кўрсатувлар программаси. **20.05** Рангли телевидение. Римский-Корсаков асарларидан концерт. **21.00** Янгиликлар. **21.05** Ўқувчилар учун. «Жонажон ўлка» **21.30** Миллионлар ленинча университети. **22.00** В. Шекспир. «Ўн иккинчи кеча». Ленинград Давлат Академик комедия театрининг спектакли. Танаффус вақтида «Вақт» информацион программаси. **01.00** Интервидение. Л. Бетховен. Биринчи симфония. Эшиттириш ГДРдан олиб кўрсатилади. **01.45** САМАРҚАНДНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИГА. Ўзбекистон халқ усталари ва тарихий ёдгорликлари. **02.30** Москва кўрсатувларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 «Ленинни яшайди ва ғалаба қилади». Кинофильм.

Рус тилида: 20.20 Ҳужжатли фильм. **20.40** «Фома Гордеев». Бадиий фильм. **22.15** «Ока дарёси ўлони». Фильм-концерт. 2-қисм.

РАДИО

21 ОКТЯБРЬ

ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 Термиз шаҳар партия комитетининг секретари Х. З. ЭЛМУРОДОВАнинг «Кадрларни гоявий чиниқтириш» деган суҳбати (русча). **18.10** Қўшиқлар концерти. **18.40** Спорт эшиттириши (русча). **19.20** Қозоқ куйлари. **20.00** «Ўзбекистон ишчиси» радиожурнали. **20.30** Саноат ходимлари учун концерт. **21.00** Халқаро мавзуларда суҳбат. **21.10** Пахта теримида қатнашаётганлар учун эшиттириш ва концерт. **21.55** «Саломатлик—туман бойлиги» (ўзбекча). **22.20** Пахта теримида қатнашаётган шаҳарликлар учун концерт (русча). **22.40** Шеърият кечаси (ўзбекча). **23.15** «Наво» мақоми. **21.00** Тунги концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Муқимий номидаги театр артистлари ижросида концерт. **19.30** Филология фанлари доктори В. Абдуллаевнинг «САМАРҚАНД АДАБИЁТИ» деган суҳбати (русча). **19.45** Адабий календарь. Грузия шеъриятининг классиги Н. Бараташвили туғилган кунининг 125 йиллигига (русча). **20.00** Пахта далаларида ишлаётганлар учун концерт (тожикча). **20.30** И. Бржевская куйлайди. **21.00** Қардош республикалар адабиёти (ўзбекча). **21.40** Москва.

22 ОКТЯБРЬ

ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 Пахтакорлар учун тонгги концерт. **8.25** Ш. Эргашев, С. Аминов, М. Дадабоева куйлайди. **9.30** Ф. Шукурова ижросида чанг тароналари. **10.10** Рус қўшиқлари. **10.30** Топишмоқли концерт. **11.15** «САМАРҚАНДДА ФАННИНГ РИВОЖЛАНИШИ». География фанлари кандидати С. Нишонов суҳбати (русча). **11.30** Кинофильмлардан куйлар. **12.15** «Олмалиқ рух заводи қурилишида», Қурувчилар учун эшиттириш ва концерт. **13.30** Енгил куйлар. **16.10** ШАҲАРНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН. «Самарқанд юлдузлари», Адабий-музикали композиция. **16.50** «Правда» газетасининг обзори. **17.00** «Мен коммунист», Музикали-адабий композиция.

18.00 «Съезддан-съездгача» (русча). **18.10** Музикали миниатюралар. **19.20** Татар халқ куйлари. **20.00** «Ёшлик» радиостанциясининг программаси. **21.00** Халқаро мавзуларда суҳбат. **21.10** Пахта терими ҳақларини учун концерт. **21.45** Сиёсий билимлар радиоуниверситети (ўзбекча). **22.20** Пахта теримида қатнашаётган шаҳарликлар учун концерт (ўзбекча). **22.40** Ёзувчилар микрофон олдида. «Қаҳрамоним— замондошим» (ўзбекча). **23.15** Лирика кечаси. **24.00** Тунги концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Жаҳон халқлари куйлари. **9.15** Реклама ва эълонлар. **19.00** Ҳажвий ҳикоялар (ўзбекча). **19.30** Ўзбекистон ёш композиторларининг симфоник куйлари. **20.00** Тожик халқ куйлари. **20.30** Музикали драмалардан парчалар. **21.00** А. Мухтор. «Қаноти синган орзу». Инсценировка қилинган ҳикоя (ўзбекча). **21.40** Москва.

Тошкент оқшоми 4 бет. 21 ОКТЯБРЬ, 1970 Й.

«Вечерний Ташкент» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси, 15-уй. Редакция телефонлари: Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари—33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22, партия совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари—33-29-42, адабиёт, санъат ва маданият бўлимлари—33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар—33-27-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари—33-27-57, саноат, транспорт ва қурилиш бўлимлари—33-27-03, ахборот бўлими—33-28-95, эълонлар бўлими—33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64579. НАШР 3137. Р—04486.